

## Балоғатдан сўнг етимлик йўқ

Image not found or type unknown



19:05 / 19.09.2020 3161

Балоғатга етмаган, отаси йўқ ёш бола «етим» дейилади. Отаси бор ёш бола етим эмас. Шунингдек, балоғат ёшига етгандан кейин ҳам етимлик қолмайди.

آل: ملسو هيلع هللاى لصهللا لوسرر نع تطفح: لاقو نع هللاى ضرر لنع ن  
دواد وبأه اور لىلل لىل موي تامص الوم الح ادع ب م تي

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламдан **«Эҳтиломдан кейин етимлик йўқ, кундузи кечқурунгача жим юриш йўқ»**ни ёдлаб олдим».

Абу Довуд ривоят қилган.

Шарҳ: Эҳтилом – уйқуда жинсий алоқани кўриб, булғаниш. Бу ҳолат ўғил болаларнинг балоғатга етганлик аломати ҳисобланади. Бундан эса балоғатга етгандан кейин етимлик йўқ эканлиги келиб чиқади.

Ҳадиси шарифда зикр қилинган иккинчи масала жоҳилият даврининг ботил одатларидан бирини йўқ қилишдан иборатдир.

Жоҳилият пайтида кун бўйи, қоронғи тушгунча гапирмай юришни фазилат деб билишар ва баъзилар бу ишни қилар ҳам эдилар.

Ислом бу одатнинг номаъқул эканлигини эълон қилди. Кишининг фазли бунга ўхшаган мантиқсиз ишлар билан эмас, иймон-эътиқод, тақво ва солиҳ амал билан намоён бўлади.

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰمَنُوْا لَا يَكُنْ لَّكُمْ اٰلِهَةٌ اِلاَّ اللّٰهُ الَّذِيْ اَخْرَجَكُمْ مِّنَ اَرْضِكُمْ لِيَّؤْتِكُمْ اٰيٰتِهٖٓ وَتَعْلَمُوْا اَنَّكُمْ لَمِنَ السَّاجِدِيْنَ  
يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰمَنُوْا لَا تَتَّبِعُوْا اٰيٰتِ الْكٰفِرِيْنَ وَالْمُنٰفِقِيْنَ اِنَّهُمْ لَمِنَ السَّاجِدِيْنَ اِنَّهُمْ لَمِنَ السَّاجِدِيْنَ اِنَّهُمْ لَمِنَ السَّاجِدِيْنَ  
يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰمَنُوْا لَا تَتَّبِعُوْا اٰيٰتِ الْكٰفِرِيْنَ وَالْمُنٰفِقِيْنَ اِنَّهُمْ لَمِنَ السَّاجِدِيْنَ اِنَّهُمْ لَمِنَ السَّاجِدِيْنَ اِنَّهُمْ لَمِنَ السَّاجِدِيْنَ  
يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰمَنُوْا لَا تَتَّبِعُوْا اٰيٰتِ الْكٰفِرِيْنَ وَالْمُنٰفِقِيْنَ اِنَّهُمْ لَمِنَ السَّاجِدِيْنَ اِنَّهُمْ لَمِنَ السَّاجِدِيْنَ اِنَّهُمْ لَمِنَ السَّاجِدِيْنَ

Ибн Умар розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга лашкарда кўрсатилдим, ёшим эса ўн тўртда эди. Бас, у зот мени қабул қилмадилар. Кейин келгуси йили у зотга яна бир лашкарда кўрсатилдим, ёшим ўн бешда эди. Бас, у зот мени қабул қилдилар».

Нофеъ:

«Буни Умар ибн Абдулазизга айтган эдим, **«Бу кичик билан катта орасидаги чегарадир»**, деди», деган.

Бошқа ривоятда:

**«Мана шу - зурриёт билан жангчилар ўртасидаги чегарадир»**, дейилган.

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Баъзи уламолар ушбу ҳадиси шарифни далил қилиб кўрсатиб, ўн беш ёшни балоғат ёши деган бўлсалар ҳам, кўпчилик уламолар «Ҳар ўлканинг мутахассислари балоғат ёшини ўша ернинг иқлими ва бошқа шарт-шароитларига қараб, масалани атрофлича ўрганиб чиқиб,

белгилайди», деганлар.

Етим бола ўша ёшга етганда етимликдан чиқади ва васийсининг қарамоғидан ҳам чиқиб, ўзича яшай бошлайди.

Аммо унинг молини қўлига топшириш учун яна бошқа бир шарт юзага келиши керак. Икки одил киши унинг молни тўғри, исроф қилмай, оқилона тасарруф қила олиши ҳақида гувоҳлик берганларидан кейингина гувоҳлар ҳузурида ҳужжатлаштириб берилади.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан**